



20 20 у « 27 » март

№ Қ-143

«    »    20    г

**Термиз шаҳар “Фаравон” массиви лойиҳадаги 7-7 кўча ёқасидан “Golden-Servis-Plus” МЧЖга “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика Вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги хатига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 мартдаги 02-02/126-сонли йиғилиш баёни ва Термиз шаҳар ҳокимининг 2020 йил 14 февралдаги 05-01/52-сонли хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 мартдаги 02-02/126-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз шаҳар “Фаравон” массиви лойиҳадаги 7-7 кўча ёқасидан “Golden-Servis-Plus” МЧЖга Термиз шаҳар ҳокимлиги захирасидаги 1,35 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонига “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев), Термиз шаҳар ҳокимлиги (И.Худойбердиев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов